



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI  
AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI**

AGENCY OF INFORMATION AND MASS COMMUNICATIONS UNDER  
THE ADMINISTRATION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 30-uy. Tel.: (8-371) 244-32-87, 244-26-50, 244-23-80, 207-99-95  
e-mail: info@aimc.uz / e-xat:aoka@exat.uz / www.aoka.uz

*06-td. dldld № 09-5275*

**“O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi”  
mas‘uliyati cheklangan jamiyatiga**

*2022 йил 30 ноябрдаги  
11-09-997-сон хатга жавобан*

Агентлик томонидан ўтказилган энг яхши таклифни танлаш бўйича эълон (14.11.2022 й., лот № 171302) натижалари юзасидан билдирилган эътирозлар бўйича қуйидагилар маълум қилинади:

1. Ўтказилган танловнинг 1-шартида берилган мезонга мувофиқ намуна (муляж)ни қабул қилиш далолатномаси мавжудлиги белгиланган.

Шунга кўра, ўтказилган танловда қатнашган 2 та иштирокчи (“O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖ ҳамда “Kolor Pak” МЧЖ) томонидан намуна (муляж)лар қабул қилиш далолатномаси асосида Харид комиссиясига топширилган.

Бироқ, “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖ томонидан тақдим этилган намуна (муляж)лар танлов юзасидан тасдиқланган китобни нашр этиш бўйича Техник топшириқнинг 6- ва 7-бандларида белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлиги ўрганилганда қуйидаги камчиликлар аниқланди:

– китобнинг муқоваси қаттиқ 7 (к), 7 (Б) ҳамда саҳифалари камида олтига чок билан тикилиши, китобнинг босма тобоқлари ўзаро бирлаштирилиши, корешок (округления) ҳосил қилган ҳолда муқова тўлиқ блокка елимланиши белгиланган.

Тақдим этилган намуна (муляж)да саҳифалар бешта чок билан тикилган;

– китобнинг бичими 70x100 1/16, муқоваси бумвинил, қалинлиги 2,00 мм дан кам бўлмаган сифатли картонга ўралиши ҳамда ёзуви зарҳал (тилла ранг тиснения) шаклида чоп этилиши белгиланган.

Тақдим этилган намуна (муляж)нинг муқоваси зарҳал (тилла ранг тиснения)сиз берилган. Бунинг натижасида зарҳал ёзувнинг сифатини кўриш имконияти мавжуд эмас.

Бундан ташқари, китоб намунаси (муляж)нинг бетлар сони техник топшириқларда (*416 бет бўлиши кўрсатилган*) белгиланган бетлар сонига мувофиқ эмас ҳамда унинг блокадаги махсус матбаа матоси “каптал” сифатсиз ёпиштирилган, муқова билан блок елимланганда унда ортиқча елимлар мавжуд, муқовадаги кантларнинг ўлчами бир хилда эмас, босма тобоқларнинг ўзаро чок билан тикишдаги камчиликлар борлиги сабабли варақлардаги тикилган жойларда йиртилиш ҳолатлари аниқланди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, Харид комиссияси раиси ва аъзолари томонидан танловнинг ушбу шартида белгиланган мезон бўйича “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖга – максимал 5 баллдан **3,87 балл** берилган.

2. Танловнинг 3-шартида белгиланган мезонда корхона штатида (ходимлари таркибида) шу турдаги (Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш) хизмат билан шуғулланган малакали муҳаррир, техник муҳаррир ҳамда дизайнер-рассомларга эга бўлиши белгиланган.

Танловда иштирок этган корхоналарнинг ҳар иккиласи, жумладан, “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖ ижтимоий-сиёсий йўналишдаги китобларни нашрга тайёрлаш бўйича юқори таржибага эгаллиги сабабли Харид комиссияси томонидан мазкур шарт бўйича иштирокчиларнинг шу турдаги хизмат билан шуғулланган малакали муҳаррир, техник муҳаррир ҳамда дизайнер-рассомларга эга бўлиши баҳолаш жараёнларида асосий мезон сифатида қаралмади.

Бунда, фақатгина китоб намунаси (муляж) талаб этилган техник кўрсаткичлар асосида чоп этилиши, корхонадаги техник ва технологик жараёнларнинг тўлиқ автоматлаштирилгани, китобнинг юқори сифатда (техник нуқсонларсиз) тайёрланиши асосий мезон сифатида белгиланди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, Харид комиссияси раиси ва аъзолари томонидан танловнинг ушбу шартида белгиланган мезон бўйича “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖга – максимал 20 баллдан **16,75 балл** берилган.

3. Танловнинг 10-шартида белгиланган мезонда корхона 2019-2021 йиллар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этиши лозимлиги белгиланган.

Танлов иштирокчилари томонидан мазкур мезон бўйича тақдим қилинган ҳужжатлар ўрганилганда, “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖ томонидан 2019-2021 йиллар давомида жами 303,5 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, “Kolor Pak” МЧЖ томонидан эса шу даврда жами 353,5 млрд сўмлик (*16,5 фоизга кўп*) маҳсулот ишлаб чиқарилгани маълум бўлди.

Шунингдек, “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖ томонидан танлов шартлари ва талаб этилган ҳужжатлардан ташқари зарур бўлмаган ҳужжатлар бошқа шаклларда ҳамда намуна шаклларга мувофиқ бўлмаган ҳолатда тақдим этилгани сабабли, Харид комиссияси аъзоларини чалғитишига ҳамда ҳужжатларни кўриб чиқишда бир қатор ноқулайликлар келтириб чиқарди.

Хусусан, корхона томонидан 2021 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жами 96 383,4 млн сўмни ташкил қилган, бироқ бажарилган ишлар бўйича шартномалар нусхасидаги ҳисоб-китобларда жами 3 764,06 млн сўмни ташкил қилди ва умумий маълумотлар билан нормунофиқлиги аниқланди.

Бундан ташқари, танловнинг махсус шарти (аризага 8-илова)да талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга оширишда иштирокчининг тажрибаси ҳақидаги маълумотлар сўралган.

Корхона томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилганда, талаб этилаётган хизмат (китоб маҳсулотларини чоп этиш)ни амалга ошириш тажрибасига тааллуқли бўлмаган маҳсулотлар (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, бланклар, мактаб табеллари)ни чоп этиш тўғрисидаги шартнома нусхалари тақдим қилинган.

Шунга кўра, Харид комиссияси томонидан ушбу ҳужжатлар талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибасига тааллуқли эмас деб топилди.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Харид комиссияси раиси ва аъзолари томонидан танловнинг ушбу шартида белгиланган мезон бўйича “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖга – максимал 5 баллдан **4,62 балл** берилган.

Шунингдек, тақдим этилган китобни нашр этиш бўйича сарф-харажатлар юзасидан нарх таклифларида “O‘zbekiston nashriyot-matbaa ijodiy uyi” МЧЖ 832,6 млн сўм берилган ҳамда “KolorPak” МЧЖ берган нарх таклифидан (800,0 млн сўм) юқори бўлгани учун “<https://etender.uzex.uz>” тизими томонидан **19,2 балл** (“KolorPak” МЧЖга 20 балл) берилган.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Харид комиссияси томонидан ўтказилган (14.11.2022 й., лот № 171302) танловда “KolorPak” МЧЖни ғолиб деб топиш тўғрисидаги қарори ўзгаришсиз колдирилгани маълум қилинади.

Харид комиссиясининг қарорига эътироз бўлса, амалдаги қонунчиликка мувофиқ судга мурожаат қилиниши мумкинлиги эслатиб ўтилади.

**Директор ўринбосари,  
Харид комиссияси раиси**



**У. Азамов**

Агентство информации и массовых коммуникаций, именуемое в дальнейшем «Заказчик», в лице Директора А.Ходжаева, действующего на основании Положения, с одной стороны и

ООО "KOLORPAK", именуемое в дальнейшем ИЗГОТОВИТЕЛЬ, в лице Генерального Директора Мирзахмедов М.А действующего на основании Устава, с другой стороны, в соответствии отбора наилучшего предложения по лоту 22110012171302 заключили настоящий Договор.

### 1. ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА

1.1 Изготовитель принимает на себя обязательство изготовить оригинал макет книг, предоставить оригинал макеты заказчику для утверждения и осуществить печать книжной продукции утвержденной заказчиком, а Заказчик обязуется оплатить и принять изготовленную продукцию на условиях настоящего Договора:

1.2 Все промежуточные материалы и отходы, полученные в процессе изготовления полиграфической продукции, а также бракованные и прилапочные экземпляры продукции, являются собственностью изготовителя, если иное не оговорено в договоре.

### 2. НАИМЕНОВАНИЕ, КОЛИЧЕСТВО И СОГЛАСОВАННАЯ СТОИМОСТЬ

№	Наименование	Тираж	Цена	Общая стоимость	НДС сумма	Общая стоимость с НДС
1.	Изготовление оригинал макета книги "Инсон кадри, унинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун" (латиница)	-	43 479 086,96	43 479 086,96	6 521 863,04	50 000 950,00
2.	Печать книжной продукции "Инсон кадри, унинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун" (латиница) ф.70*100 1/16 Объем 416 стр.+ обл+ форз. обл.бумвинил + тиснения, тв. переплет 2мм п/к, Крас-ть форз. 2+2 Крас-ть вн.стр 2+2 Бумага офсет 70гр., Шитво.фронтиспис 4+0.	5 000	60 869,40	304 347 000,00	45 652 050,00	349 999 050,0
3	Изготовление оригинал макета книги "Инсон кадри, унинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун" (кириллица)	-	43 479 086,96	43 479 086,96	6 521 863,04	50 000 950,00
4.	Печать книжную продукцию "Инсон кадри, унинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун" (кириллица) ф.70*100 1/16 Объем 416 стр.+ обл+ форз. обл.бумвинил + тиснения, тв. переплет 2мм п/к, Крас-ть форз. 2+2 Крас-ть вн.стр 2+2 Бумага офсет 70гр., Шитво.фронтиспис 4+0.	5 000	60 869,40	304 347 000,00	45 652 050,00	349 999 050,0
<b>Итого:</b>				<b>695 652 173,91</b>	<b>104 347 826,09</b>	<b>800 000 000,0</b>

2.1 Общая стоимость по Договору составляет (с учётом НДС) Восемьсот миллионов сўмов 00 тийин

### 3. ПОРЯДОК, УСЛОВИЯ И СРОКИ ИЗГОТОВЛЕНИЯ

3.1 Изготовитель обязуется изготовить оригинал макеты книг в течение \_\_\_ дней с момента подписания сторонами настоящего договора. Печатаать книжной продукции, указанной в п.2. настоящего договора осуществляется на основании утвержденных Заказчиком оригинал-макетов в течении 15 рабочих дней с момента утверждения.

3.2 При производстве продукции стороны обязаны придерживаться "Правил печатания изданий", разработанных Узбекским Агентством по печати и информации за №1561 от 14.04.06г.

а) Исполнитель имеет право наносить на готовой продукции малозаметный микро знак либо микро шрифт для идентификации производителя. Отказ от этого Заказчик обязан предоставить в письменной форме.

б) Обязательный рассылки выпускаемых периодических изданий ввиду отсутствия службы экспедиции осуществляется силами Заказчика согласно "Правил печатания изданий".

#### **4. УПАКОВКА И ОТПУСК ПРОДУКЦИИ**

4.1 Продукция подлежит упаковке в пачки с указанием лица, ответственного за указанное количество.

4.2 Упаковка должна обеспечить полную сохранность, предохранять от повреждений при транспортировке любым видом транспорта. Упаковка является невозвратной, стоимость упаковки включена в стоимость настоящего договора.

4.3 Отпуск продукции производится со склада Изготовителя.

4.4 Заказчик обязуется обеспечить вывоз готовой продукции со склада Изготовителя в течении 3-х рабочих дней с момента получения письменного извещения о готовности продукции к вывозу.

4.5. Риск случайной гибели или порчи продукции в связи с некачественной упаковкой несет Изготовитель .

4.6. Претензии по качеству и количеству печатной продукции могут быть предъявлены Заказчиком в течение двух месяцев с момента приемки товара и подписания сторонами счет-фактуры.

4.7. В течение 10 календарных дней с момента предъявления претензий по качеству или количеству товара Изготовитель обязуется заменить дефектный товар на товар надлежащего качества или допоставить недостающее количество товара.

#### **5. РИСК И ПРАВО СОБСТВЕННОСТИ**

5.1 Риск и право собственности на продукцию, изготавливаемую по настоящему договору, от его случайной гибели или повреждения переходит от Изготовителя к Заказчику с момента передачи товара на условиях п.4.3 настоящего договора. Кроме случаев порчи/утери товара в связи с его некачественной упаковкой.

#### **6. ПОРЯДОК И СРОКИ ОПЛАТЫ**

6.1 Оплата работ Изготовителя продукции по настоящему договору производится путем предварительной оплаты Заказчиком в размере 30% от общей стоимости договора, которая должна быть произведена в течение 5 банковских дней со дня регистрации настоящего договора в Казначействе МинФин РУз и утверждения Минфин РУз расценок на выполняемые работы, оставшиеся 70% оплачиваются в течение 5 банковских дней после отгрузки продукции и подписания сторонами счет-фактуры.

#### **7. АНТИКОРРУПЦИОННЫЕ ОГОВОРКИ**

7.1. В рамках исполнения своих обязательств по контракту стороны обеспечивают соблюдение правил по борьбе с коррупцией, в том числе действующего законодательства; гарантируя, что их работники, аффилированные лица, бенефициары и их партнеры, контрагенты по выполнению контракта, должны воздерживаться от дачи или получения взятки, коммерческого подкупа, посредничества во взяточничестве, подкупе служащего государственного органа, организации с государственным участием или получения материальных или нематериальных выгод. Стороны гарантируют принятие мер по недопущению указанных действий.

7.2. Стороны обязуются незамедлительно уведомлять друг друга в письменной форме или по телефону в случае нарушения антикоррупционных правил или разумно обоснованных подозрений. Стороны вправе запросить письменное объяснение в целях разъяснения ситуации, а Сторона, получившая обращение, может сделать заявление или комментировать свое мнение в течение 10 (десяти) рабочих дней.

7.3. В случае невыполнения требований настоящей статьи, в том числе устранения коррупционных рисков в установленный срок, принятых сторонами мер, не приведших к снижению коррупционной ситуации, другая сторона вправе расторгнуть контракт или приостановить его исполнение.

7.4. Возмещение убытков, причиненных стороне, требующей одностороннего расторжения контракта по основаниям, предусмотренным настоящей статьей, производится в порядке, установленном законодательством РУз, при этом сторона, нарушившая обязательства настоящей статьи, не вправе требовать возмещения убытков, причиненных в результате одностороннего расторжения контракта.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1 Ни одна из сторон не будет нести ответственность за полное или частичное неисполнение любой из своих обязанностей, если неисполнение будет являться следствием обстоятельств непреодолимой силы, таких как наводнение, пожар, землетрясение и другие стихийные бедствия, война или военные действия, эмбарго на экспорт и импорт и др., возникшие после заключения настоящего договора. Если любое из перечисленных обстоятельств непосредственно повлияло на неисполнение обязательств в срок, установленный в договоре, то этот срок отодвигается соразмерно времени действия соответствующих обстоятельств и их последствий.

## 9. ПОРЯДОК РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ

9.1 Все споры и разногласия, которые могут возникнуть из настоящего договора или в связи с ним, будут по возможности, разрешаться путем переговоров между сторонами.

9.2 В случае, если стороны не придут к соглашению, то дело подлежит рассмотрению в Экономическом суде города Ташкента.

## 10. ДРУГИЕ УСЛОВИЯ

10.1 В случае просрочки поставки продукции Изготовитель уплачивает Заказчику штрафные санкции в виде пени в размере 0,5% стоимости недопоставленной продукции за каждый календарный день просрочки поставки, но не более 50% от общей стоимости продукции.

10.2 В случае нарушения сроков оплаты за изготовленную продукцию, Заказчик обязан оплатить Изготовителю штрафные санкции в виде пени в размере 0,4% за каждый день просрочки оплаты, но не более 50% суммы просроченного платежа. Стороны обязаны исполнить свои обязательства по объемам, указанным в настоящем договоре без разбивки его на отдельные заказы кроме случаев работы над периодическими изданиями либо в случае согласованного сторонами графика исполнения.

10.3 В случае выявления Заказчиком продукции, не отвечающей требованиям, утвержденным сторонами, Изготовитель обязуется заменить такую продукцию на другую, отвечающую требованиям за свой счет, при этом приемка продукции по количеству и качеству производится Заказчиком на складе Изготовителя в порядке, установленном пунктами 4.6. и 4.7. настоящего договора.

10.4 По вопросам, не оговоренным в настоящем договоре, стороны действуют в отношении друг друга в рамках действующего законодательства Республики Узбекистан.

10.5 Все изменения и дополнения к настоящему договору действительны лишь при условии, если они совершены в письменной форме и подписаны уполномоченными на то представителями обеих сторон и являются неотъемлемой частью данного договора.

10.6 Настоящий договор составлен в двух экземплярах, которые имеют одинаковую юридическую силу.

## 11. СРОК ДЕЙСТВИЯ ДОГОВОРА

11.1. Договор вступает в силу после регистрации казначейства МинФин РУз и действует до 31 Декабря 2022г.,

### ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА СТОРОН:

#### Изготовитель

ООО "KOLOR PAK"

г.Ташкент, Юнусабадский район,  
ул. Янги шаҳар №1 тел. (78) 129-29-29

р/с 20208000104376613001

АТ "Алока Банк"

МФО 00401 ОКЭД 18110

ИНН 205353005

Директор \_\_\_\_\_




#### Заказчик



Handwritten signature of the Director.

**“O‘ZBEKISTON”**  
**NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI**  
**MAS‘ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI**



**PUBLISHING AND PRINTING**  
**CREATIVE HOUSE “UZBEKISTAN”**  
**LIMITED LIABILITY COMPANY**

100011, Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 30  
Tel: (+998) 71 244-34-01, 244-38-10 STIR: 205188294  
Web: www.iptd-uzbekistan.uz e-xat: iptd\_uzbekistan@exat.uz  
e-mail: info@iptd-uzbekistan.uz

100011, city of Tashkent, Navoi str. 30.  
Tel: (+998) 71 244-34-01, 244-38-10 TIN № 205188294  
Web: www.iptd-uzbekistan.uz  
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

30.11.22 № 11/09-997  
№ \_\_\_\_\_ ga

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва**  
**оммавий коммуникациялар агентлиги**  
**директори А.Ходжаевга**

**Харид комиссиясига**

### **ШИКОЯТ АРИЗА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Инсон кадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун” номли китобини ўзбек/лотин алифбосида ҳамда ўзбек/кирил алифбосида, жами суммаси 1.104.040.000,00 сўм бўлган 171302-сон лот Etender.uzex.uz махсус ахборот портали орқали 25.11.2022 йил соат 19-52 да кўриб чиқилган.

Ушбу лот бўйича “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ томонидан қўйилган мезонлар бўйича тўлиқ маълумотлар берилган бўлсада, харид комиссия биринчи мезон “Намуна (муляж)ни қабул қилиш далолатномаси мавжудлиги”, иккинчи мезон “Қорхона штатида (ходимлари таркибида) шу турдаги (Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш) хизмати билан шуғулланган малакали муҳаррир, техник муҳаррир ҳамда дизайнер-расомларга эга бўлиши лозим”, ҳамда ўнинчи мезон “Қорхона 2019-2021 йиллар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажми тўғрисида маълумот тақдим этиши” паст баҳоланган. Ваҳоланки “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ўзининг кўп йиллик тажрибаси, Республика миқёсида ўзининг энг етук малакали муҳаррир, техник муҳаррир ҳамда дизайнер-расомларга эга эканлиги барчага бирдек маълум.

Тендир танлови иштирокчилари ўртасида ўтказилган тендир танловида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖнинг тижорат таклифи ғолиб деб топилиши лозим бўлсада, амалдаги қонун талаблари ва тендир ўтказиш қоидалари кўпол равишда бузилиб, тендир ғолиблигидан маҳрум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ўтказилган Харид комиссияси томонидан танлов иштирокчиси бўлган Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ тижорат таклифи энг мақбул бўлсада, тендир танлови ғолиби деб топилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ўтказилган тендир танлови амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этилмаган ҳолда ўтказилган.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг **10-моддасига кўра,** Давлат харидларидаги рақобат харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ўртасидаги, давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари ўртасидаги ва ихтисослашган ташкилотлар ўртасидаги тортишув, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ҳамда ҳолис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул таклиф фойдасига яқуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш ҳисобидан кўллаб-қувватланади; давлат харидларининг холислиги харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишдаги, шунингдек энг мақбул вариант фойдасига яқуний қарор қабул қилишдаги беғаразликни назарда тутати.

**иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг **46-моддасига кўра,** иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар беришга; манфаатлар тўқнашувига; давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланмаган усулларини қонунга ҳилоф равишда танлашга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

**учунчидан,** Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг **56-моддасига кўра,** ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки микдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **Рақобат тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасига кўра,** Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қуйидагилар тақиқланади: савдолар ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган монополияга қарши талабларнинг бузилиши танлов (тендер) савдоларининг қарорларини ва шу савдолар натижалари бўйича тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади деб белгиланган.

Ушбу қонуннинг 27-моддасига кўра, Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Давлат харидлари бўйича Харид комиссия йиғилишининг 29.11.2022 йилдаги 171302-сон лот бўйича танлов баённомани ва шу савдолар натижалари бўйича тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топишингизни ҳамда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖни ушбу танлов ғолиби деб топшда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Илова:** Харид комиссия йиғилишининг 29.11.2022 йилдаги 171302-сон лот бўйича танлов баённома нусхаси жами 7 варақда.

Директор

Т.Мухамадиев

**“O‘ZBEKISTON”  
NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI  
MAS‘ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI**



**PUBLISHING AND PRINTING  
CREATIVE HOUSE “UZBEKISTAN”  
LIMITED LIABILITY COMPANY**

100011, Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 30  
Tel: (+998) 71 244-34-01, 244-38-10 STIR: 205188294  
Web: www.iptd-uzbekistan.uz e-xat: iptd\_uzbekistan@exat.uz  
e-mail: info@iptd-uzbekistan.uz

100011, city of Tashkent, Navoi str. 30.  
Tel: (+998) 71 244-34-01, 244-38-10 TIN № 205188294  
Web: www.iptd-uzbekistan.uz  
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

13.12.2022 № 11/09-1032  
№ \_\_\_\_\_ ga

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлигига**

Агентлик томонидан 2022 йил 14 октябрь куни эълон қилинган энг яхши таклифни танлаш (лот 171302-сон) бўйича танлов натижалари юзасидан “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ томонидан эътирозлар киритилган эди.

Ушбу эътирозлар бўйича Агентликнинг 2022 йил 6 декабрдаги 09-5275-сон хати орқали батафсил маълумот берилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ўтказилган мазкур танлов (лот № 171302) натижалари юзасидан “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ томонидан ҳеч қандай даъво ва эътирозлар мавжуд эмаслигини маълум қиламиз.

**Директор в.в.б.**

**Б.Камбаров**

ХДФУ  
\_\_ нусха

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги директори ўринбосари,  
Харид комиссияси раиси



У. Азамов

“14” декабрь 2022 й.

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг  
Харид комиссияси йиғилиши  
БАЁНИ № 50**

2022 йил 14 декабрь

Тошкент ш.

**Раислик қилди:** У.Азамов – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари, Харид комиссияси раиси

**Қатнашдилар:** Харид комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг  
“Инсон кадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари  
учун” номли китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича  
etender.uzex.uz платформаси орқали амалга оширилган танлов  
натижалари тўғрисида**

*(У. Азамов, Ғ. Бозоров, А. Раҳмонов, М. Партиев, С. Ҳасанов, Ж. Хусанов, Ш. Эркабоев, У. Азамов)*

Кун тартибидаги масала юзасидан Харид комиссияси котиби Р. Ахмедов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 мартдаги 115-Ф (хДФУ)-сон фармойишига асосан “Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Инсон кадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун” номли китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ харид ҳужжатлари ишлаб чиқилгани ва махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) 2022 йилнинг 15 ноябрь куни энг яхши таклифни танлаш тўғрисида эълон берилгани (22110012171302-сонли лот) мазкур танлов 2022 йил 22 ноябрь куни соат 19:15 да тугагани ҳақида ахборот берди.

Ушбу танловга жами 2 (икки) та иштирокчи, жумладан, “KOLOR PAK” ва “Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда махсус ахборот портали орқали ҳужжатлар тақдим этилди.

Агентликнинг 2022 йил 23 августдаги ноябрдаги 174-сон буйруғи асосида шакллантирилган тўққиз нафар аъзодан иборат Харид комиссиясининг аъзоларидан етти нафари (кворум 88,8 фоиз) иштирок этаётгани ҳамда Агентликнинг Нашриёт-матбаа соҳаси ва китоб савдосини ривожлантириш бўлими бошлиғи А.Валихонов мутахассис сифатида жалб этилгани маълум қилди.

Танлов иштирокчилари томонидан махсус ахборот портали орқали тақдим этилган ҳужжатлар Харид комиссияси раиси ва аъзолари иштирокида белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, танловга тақдим этилган ҳужжатлар баҳолаш мезони (балл бериш) йўли орқали белгиланган талаб шартларга мувофиқлиги бўйича ўзлари мустақил баҳоладилар.

Баҳолаш натижаларига кўра, Харид комиссияси аъзолари томонидан ҳар бир мезон бўйича берилган баллар, ўртача балларни ҳисоблаш йўли билан аниқланди ҳамда якуний баллар шакллантирилди.

Якуний баҳолаш баллари асосида ушбу танловда “KOLOR PAK” МЧЖ голиб деб топилди (*якуний баҳолаш натижалари илова қилинади*).

Танлов натижалари бўйича “Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи” масъулияти чекланган жамияти томонидан Харид комиссиясининг мазкур қарорига 2022 йил 30 ноябрь куни 11/09-997-сон хат орқали ўтказилган танлов натижалари бўйича эътироз билдириб, Агентликка шикоят аризасини киритган (*хат нусхаси илова қилинади*).

Харид комиссияси томонидан юқоридаги шикоят аризаси ўрганиб чиқилиб, 2022 йил 6 декабрь куни 09-5275-сон хат билан келтирилган вазият бўйича асослантирилган жавоб хати “Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи” МЧЖга юборилди (*хат нусхаси илова қилинади*).

Шунга кўра, ўтказилган танлов натижалари юзасидан ҳеч қандай даъво ва эътирозлар мавжуд эмаслиги ҳақида “Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил 13 декабрдаги 11/09-1032-сон жавоб хати Агентликка тақдим этилди (*хат нусхаси илова қилинади*).

Кун тартибидаги масала юзасидан Харид комиссия **қарор қилади:**

1. Танлов якунлари бўйича белгиланган техник талаб ва шартлар ҳамда нарх таклифлари бўйича “KOLOR PAK” МЧЖ ғолиб деб топилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Харид комиссияси ишчи органи (Қ.Джалилов, М.Мирҳосилов):

**бир кунлик муддатда** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан энг яхши таклифни танлаш бўйича танлов натижаларини махсус ахборот (etender.uzex.uz) порталига жойлаштиради ҳамда нарх таклифлари асосида шаклланган балларни инобатга олиб якуний натижалар асосида ғолиб деб топилган “KOLOR PAK” МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома тузиш чораларини кўрсин ва имзолаш учун раҳбариятга киритсин;

томонлар ўртасида имзоланган шартномани юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, белгиланган муддатда “Давлат харидлари электрон тизими” (etender.uzex.uz) порталига жойлаштиради.

3. Бухгалтерия ҳисоби бўлими (Ш.Эркабоев) ғолиб иштирокчи билан тузилган шартнома асосида тўловларни амалга ошириш чораларини кўрсин.

4. Мазкур йиғилиш баёни ижроси назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Харид комиссияси масъул котиби



Р. Аҳмедов

